

Фойдаланувчи шартномаси

Ушбу фойдаланувчилик шартномаси (кейинчалик “Шартнома” деб келтирилади) idea.tashkent.uz (кейинчалик “Сайт” деб келтирилади) сайтидаги материал ва хизматлардан фойдаланувчилар (кейинчалик “Фойдаланувчилар” деб келтирилади) нинг фойдаланиш шартларини белгилайди.

1. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Сайтдаги материал ва хизматлардан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик меъёрларига биноан фойдаланилади.

1.2. Айти Шартнома оммавий таклиф ҳужжатидир. Сайт материалларидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган Фойдаланувчи мазкур Шартнома талабларига қўшилган ҳисобланади.

1.3. Сайт маъмурияти айти Шартноманинг бир тарафлама амал қилиш тартибини истаган пайтда ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бундай ўзгаришлар Шартноманинг янги талқини сайтда эълон қилинганлигининг уч куни мобайнида кучга киради. Фойдаланувчи амалдаги ўзгартиришларга ўз эътирозини билдирса, Сайтга кириш ва ундаги материал ва хизматлардан фойдаланишни тўхтатиши шарт.

2. Фойдаланувчи мажбуриятлари

2.1. Фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Халқаро ҳуқуқларга зид фаолият олиб бормаслиги, шу жумладан сайт ва сайт хизматларининг кўрсатилишига тўсқинлик қилувчи интеллектуал мулк, муаллифлик ёки шунга ўхшаш ҳуқуқларни суистеъмол қилмаслиги шарт.

2.2. Сайтдаги маълумотлардан унинг эгаларини рухсатсиз фойдаланишга рухсат берилмайди. Сайтдаги маълумотлардан ҳуқуқий асосда фойдаланиш учун Сайт эгаларидан олинган лицензия шартномасининг ҳулосаси зарур.

2.3 Сайтдаги маълумотлардан изоҳ келтирилганда, муаллифлик ҳуқуқига хос равишда сайтга ҳавола кўрсатилиши зарур.

2.4. Сайтда қолдирилган Фойдаланувчининг изоҳи ёки бошқа ёзувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талаблари ва инсонпарварлик тамойилларига зид бўлмаслиги керак.

2.5. Сайт маъмурияти фойдаланувчининг унга ташрифи, унда мавжуд ички ресурсларидан фойдаланишига жавоб бермаслиги ҳақида фойдаланувчини огоҳлантирган.

2.6. Сайт моҳияти билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган ёки юзага келган турли йўқотишлар, муаллифлик ҳуқуқига тегишли сайтга жойлаштирилган маълумот ёки ички ресурсларда қолдирилган ҳаволалар,

рўйхатдан ўтиш пайтида номи келтирилган маҳсулот ҳамда хизматларга оид очиқ маълумотлар учун сайт маъмурияти ҳеч қандай жавобгарлик ёки бевосита ва билвосита мажбуриятга эга эмаслигига фойдаланувчи рози.

2.7. Фойдаланувчи сайтдаги барча материаллар ва хизматлар ёки бўлимларда реклама акс этиши мумкинлиги ҳақидаги шартларни қабул қилади. Фойдаланувчи, сайт маъмурияти намойиш қилинаётган бундай реклама билан боғлиқ ҳеч қандай мажбурият ва масъулиятни ўз бўйнига олмаслигига рози.

3. БОШҚА ШАРТЛАР

3.1. Ушбу Шартномага оид ёки у юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан ҳал қилинади.

3.2. Шартномада аниқ кўрсатилмаган фойдаланувчи ва сайт маъмурияти ўртасидаги муносабатлардан ташқари бирор бир агентлик ўртасидаги муносабатлар, ҳамкорлик алоқалари, биргаликдаги фаолият муносабатлари, шахсни ишга ёллаш ёки бошқа муносабатлар бажарилиши шарт бўлган мажбурият деб қабул қилинмайди.

3.3. Шартнома Низомидаги қайсидир банд суд қарори билан ҳақиқий ёки бажарилиши шарт эмас деб топилган бўлса, шартноманинг бошқа талаблари ҳам бекор қилинади.

3.4. Сайт Шартномаси низомининг қайсидир фойдаланувчи томонидан суистеъмол қилинишига сайт маъмурияти томонидан ўз вақтида чора кўрилмаслиги ёки кечикиб тадбир қўллаши сайт қонунчилигига биноан сайт манфаатидан келиб чиққан ҳолда сайт маъмуриятининг муаллифлик ҳуқуқини бекор қилмайди.

Фойдаланувчи ушбу Шартноманинг барча бандлари билан танишиб чиққанлигини маъқуллайди ва уларни сўзсиз қабул қилади.